

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалар химияси институтининг профессор Х. Усмонов раҳбарлик қилаётган табиий полимерлар химияси лабораториясида пахта целлюлозаси асосида полимерларни синтез қилиш устида катта ишлар олиб борилмоқда. **Суратда: Х. Усмонов** ва илмий ходим **В. Садовникова** ўртоқлар ажратилган материалларнинг намуналарини кўздан кечирмоқдалар.

**Б. Мазур** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## Энг яхши фотосуратларга 15 та диплом берилди

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг махсус жюриси яқинда биринчи республика бадиий фотография виставкаси якунларини кўриб чиқди. Виставкага қўйилган бадиий фотосурат авторларидан уч кишига биринчи даражали, беш кишига иккинчи даражали ва етти кишига учинчи даражали дипломлар берилди.

Биринчи даражали диплом кекса фотограф М. Пенсон («Бобо», «Халқ рассоми Мусаев» суратларига), Г. Перменев («Тунги суғориш»), И. Душкин («Паровоз вагон-ремонт заводида») ўртоқларга берилди. Иккинчи ва учинчи даражали дипломлар берилган асарлар орасида «Шоликорликда» (Г. Гер), «Бўрон» (В. Рацек), «Кекса дўстларнинг учрашуви» (И. Глауберзон ва В. Сироткин), «Бўлажак пўлат эритувчилар» (Р. Шамсутдинов) ва «Қизиқарли мақола» (Б. Фомичев) каби бадиий фотосуратлар ўз композицияси ва яхши ишланиши билан диққатга сазовордир.

**О. АПУХТИН.**

## Тошкент вокзалида туннель

Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Тошкент вокзалининг қиёфаси кейинги вақтларда тез ўзгариб бормоқда. Вокзалнинг шимол ва жанубий томонлари кенгайтирилди, болали аёллар уйи ҳамда кутиш заллари капитал ремонтдан чиқарилиб, пассажирларга қулай шароитлар яратилди.

Темир йўл Тошкент бўлимининг пассажирлар ташиш бошқармаси Тошкент вокзалини янада обод қилиш ва пассажирларнинг поездга чиқиш ва тушишларини тартибга солиш мақсадида туннель қуришга қарор қилган эди. Илгари вокзалда тўртта платформа бўлиб, поездни жўнатиш ва кутиб олишда анча қийинчиликлар туғиларди. Ҳозир мавжуд платформалар икки баравар кўпайтирилиб, пассажирлар учун қулай шароит яратилмоқда.

Вужудга келтирилаётган янги платформаларга туннель орқали чиқилади.

Шу кунларда Тошкент темир йўлига қарашли қурилиш монтаж-техника конторасининг бинокорлари туннелни биринчи июнга қадар қуриб, фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилаётирлар. Ўртоқ Голушко бошлиқ бетончилар бригадаси аъзолари туннелнинг мустаҳкам ва сифатли қурилиши учун курашаётирлар. Бу бригаданинг Солиҳа Юсупова, Мавлон Эгамбердиев, Йўлдош Ғозихўжаев, Анна Коршунова ва бошқа меҳнатсевар аъзолари кундалик топшириқларни 150-200 процентдан адо этмоқдалар.

**З. МАМАЖОНОВА.**

## Янги кенг экранли кинотеатр қурилмоқда

Луначарское шоссесидаги Бульварная кўчасида кенг экранли янги кинотеатр биноси қурилаётир. Янги кинотеатр умумий майдони 8000 квадрат метр бўлган хушманзарали жойда қад кўтармоқда. У икки залдан иборат бўлиб, ҳар залга 300 тамошабин сиғади. Экраннинг бўйи 11, баландлиги эса 4,5 метрдир. Фойеда ўқишхона, концерт зали ва буфет бўлади. Бундан ташқари кинотеатр олдидаги саҳнда чиройли гулзор барпо этилиб, фонтан ўрнатилади.

Бош инженер Макарова проекти бўйича қурилаётган бу кинотеатр биносини пойтахт меҳнаткашларига тезроқ тақдим этиш учун 159-қурилиш трестининг ишчилари зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

**А. ПЎЛАТОВ.**

## *Район марказидаги янги ёзлик кинотеатр*

ПАХТА, **(«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).** Октябрь район маркази — Пахта қишлоқ советида шу чоққача кинотеатр биноси йўқ эди. Район маданият бўлими меҳнаткашларга маданий хизмат, айниқса кинофильмлар кўрсатишни яхшилаш мақсадида 400 киши сиғадиган ёзлик кинотеатр биносини қуриб, ишга туширди. Район марказидаги ишчи, хизматчилар ва колхозчилар турли бадиий фильмларни янги бинода қизиқиб томоша қилмоқдалар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## „Юқори Чирчиқда ғўзанинг дастлабки парваришига киришилмаган“

Газетамизнинг шу йил 13 май сонида юқоридаги сарлавҳа билан мақола босилиб, унда Юқори Чирчиқ районидаги кўпгина колхозларда чигитни экиб бўлинганидан кейин хотиржам бўлиб, ғўзанинг дастлабки парваришига эътибор бермай қўйилгани танқид қилинган. 1-МТС зонасидаги колхозларда аҳвол ёмон экани кўрсатилган эди.

Юқори Чирчиқ районидаги 1-МТСдан редакциямизга хабар қилишларича мақола 1-МТС партия ташкилотининг бюро мажлисида муҳокама қилинган ва МТС адресига қилинган танқидлар тўғри деб топилган. Бюро газетада кўрсатилган камчиликларни тез вақт ичида бартараф қилиш учун тадбирлар белгилаган. МТС маъмурияти ва партия ташкилоти ғўза парваришида техникадан фойдаланишни яхшилаган.

## *Қурилиш темасидаги кинофильмлар фестивали*

Ўзбекистон пойтахтидаги клублар ва маданият саройларида 20 майда қурилиш темасидаги кинофильмлар фестивали бошланди.

Фестиваль программасида қурилишдаги илғор методлар, техника янгиликлари, бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тўғрисида ҳикоя қилувчи илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмларни намойиш қилиш кўзда тутилган. Шунингдек, тамошабинлар халқ демократияси мамлакатларидаги саноат ва уй-жой қурилиши тажрибасини оммалаштиришга бағишланган фильмларни ҳам кўрадилар.

Кинофестиваль 10 июнгача давом этади. (ЎзТАГ).

## Институтда фестиваль



Қозоқ хорининг чиқиши

Кўмкўк дарахтзор билан қопланган, рангба-ранг хушбўй гуллар яшнаб турган институт майдони байрам либосида. Турли шиорлар, карнавал расмлари, ҳархил лампочка билан безатилган бу майдонга студентлар, профессор-ўқитувчилар ва ҳурматли меҳмонлар қўлларида гул, юзларида табассум билан бирин-кетин кириб келадилар. Радиоузелдан берилаётган ёқимли куйлар ёшлик ва дўстлик байрамига тўпланганларни шодлантирар, ором бахш этар эди.

Соат роса 12 бўлганида горннинг янгроқ овози институт фестивалининг бошланганидан дарак беради. Совет Иттифоқининг улуғвор гимни садолари остида фестиваль байроғи кўтарилади. Институт спортчилари колоннаси майдондан саф тортиб ўтади. Фестиваль программасининг дастлабки номерлари гимнастика машқлари билан бошланади. Спортчилар катта гилам устида ва брусьеда турли гимнастика машқларини бажарадилар. Тамошабинлар биринчи разрядли Б. Меркумов ва А. Чугабоевларни қарсаклар билан табриклайдилар. Спортнинг бошқа турлари бўйича студентлар ўртасидаги мусобақа кечгача давом этди.

Кечга яқин фестиваль программасининг бадиий қисми бошланди. Ильич нурлари билан ёритилган очиқ эстрадада факультетлараро хор ва чолғу асбоблари ансамбли ҳамда яккахонларнинг кўриги бўлди. Тарих-филология факультетининг бирлашган хори «Тўй муборак», «Ғолиблар» қўшиғини завқ билан ижро этади. Студентка Хўжаева афғонча «Гулихандонам», «Шўхижафокар» қўшиқларини маҳорат билан ижро этиб, тамошабинлар олқишига сазовор бўлди. Физика-математика факультетининг бирлашган хори ва чолғу асбоблари ансамбли ҳамда қозоқ хори ижро этган номерлар ҳам муваффақиятли ўтди.

Эстрадада концерт берилаётган пайтда тамошабинларнинг бир қисми институтнинг мажлислар залида саҳна асарлари конкурсида қатнашмоқда эдилар. Бошқа бир залда эса факультетлараро драма тўгараги ҳаваскорлари кўриги бўлмоқда эди. Рус адабиёти факультетининг ҳаваскорлари А. Володиннинг «Фабрикали қиз», тарих-филология факультетининг III курс ҳаваскор студентлари эса А. Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» пьесасини кўрсатдилар. Шуниси қувончлики, IV курс студенти Н. Убайдуллаевнинг студентлар ҳаётидан олиб ёзган «Виждонсизда вафо йўқ» деган бир кўринишли пьесасини физика-математика факультети студентлари саҳнада кўрсатиб конкурсда яхши натижага эришдилар.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида яқинда бўлиб ўтган бу фестиваль тантаналари ўша куни ярим кечагача давом этди. Ленин комсомолининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказилган фестивалда 150 дан ортиқ спортчи ва 600 га яқин ёш талантлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Институт фестивали ёшлик, дўстлик ва тинчлик байрамига айланиб кетди.

**О. САЙДАМИНОВ.**

### МАЛИЙ ТЕАТРНИНГ БОЛГАРИЯДА БЎЛИШИ

СОФИЯ, 22 май. (ТАСС). ССР Иттифоқи академик Малий театрининг коллективи Болгария пойтахтида ўтказган муваффақиятли спектаклларидан кейин мамлакатнинг бошқа шаҳарларига гастролга жўнаб кетди. Театр артистлари кеча Пловдивда А. Н. Островскийнинг «Бўрилар билан қўйлар» пьесасини кўрсатдилар. Спектакль зўр муваффақият билан ўтди.

Малий театрнинг бир группа артистлари Димитровградга келиб, кеча катта концерт қўйиб берди.

### СОВЕТ КАСАБА СОЮЗ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УРУГВАЙДА

МОНТЕВИДЕО, 22 май. (ТАСС). Совет касаба союз делегацияси икки ҳафтадан кўпроқ вақтдан бери Уругвайда меҳмон бўлиб турибди. Мамлакат меҳнаткашлари делегацияни ҳамма жойда хурсандчилик билан кутиб олмоқдалар. Уругвайнинг кўпгина касаба союзлари, корхона ишчилари ва хизматчилари совет меҳнаткашларининг вакилларини фабрикаларга, заводларга, касаба союзларига келишга таклиф этмоқдалар; улардан совет халқининг ҳаёти тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилмоқдалар.

Совет делегацияси аъзолари пойтахтдаги бир қанча касаба союзларида бўлдилар, славянлар союзи уйини ҳамда Уругвай-Совет маданий алоқа институтини бориб кўрдилар.

Делегация кўн заводига бориб, у ерда корхонанинг иши ва ишчиларнинг иш шароити билан танишди; касаба союз раҳбарлари билан, ишчилар билан, маъмурият вакиллари билан суҳбатлашди. Совет меҳмонлари жун саноати ишчилари касаба союз федерациясида бўлдилар, Такуарембо шаҳрида бўлдилар ва Такуарембо департаментидаги бир қанча имениеларни бориб кўрдилар.

### Д. ШОСТАКОВИЧГА ФРАНЦИЯ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ПАРИЖ, 22 май. (ТАСС). Бугун Парижда совет композитори Д. Шостаковичнинг Франция санъат ва адабиёт орденининг командори деб эълон қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди. Д. Шостакович ажнабийлар орасида бу унвонга сазовор бўлган биринчи кишидир.

Франция ташқи ишлар министрлиги маданий-техника бўлимининг бошлиғи Роже Сейду Франция республикаси президенти ва ҳукуматининг топшириғига биноан Шостаковичга орден ва фахрий дипломни топшириб, энг йирик совет композиторларидан бири бўлган Шостаковичнинг Францияга келганлиги муносабати билан ўзининг ғоят мамнун бўлганлигини изҳор қилди.

### МАРОКАШ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ПАРИЖ, 22 май. (ТАСС). «Круа» газетаси 20 майда Марокашнинг шарқий чегараси яқинида рўй берган француз-марокаш мажароси тўғрисида хабар қилади. Француз қўшинларининг бўлинмаси Марокаш территориясига ўтиб олган ва марокаш ҳарбий пости жойлашган ва аҳоли яшайдиган Борж-Саф-Саф пунктини куни бўйи қуршаб турган. Марокаш ташқи ишлар министрлиги шу муносабат билан, Рабатдаги француз элчисига қатъий норозилик билдирган.

## Республикани ва демократияни ҳимоя қилиб

ПАРИЖ, 22 май. (ТАСС). Француз меҳнаткашлари республиканн ҳимоя қилиб олиб бораётган курашларини бир кун ҳам бўшаштирмаётирлар. Мамлакатда республика хушёрлиги комитетлари яна кўп жойларда ташкил этилмоқда. Кейинги кунларда бундай комитетлар Финистер, Мен ва Луара, Вар, Ланди, Вандея ва Об департаментларида тузилди. Умуман бутун мамлакатда 28 та департамент комитетлари ташкил этилди.

Париж районидаги саноат корхоналарида, ўқув юртларида, давлат муассасаларида, касалхоналарда, маҳаллаларда фашизмга қарши курашувчи ўнлаб комитетлар тузилди.

Мамлакатдаги муниципал кенгашларнинг кўплари халқ оммасини республика тузумини ҳимоя қилишга сафарбар этиш ишини авж олдириб юбордилар.

«Юманите» газетасининг хабар беришига қараганда, Реюньон оролининг (Ҳинд океанида) аҳолиси республикани мардлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган француз халқи билан ўзининг бирдам эканлигини айтган. Шу оролда ўтказилган кўп кишилик митингда исёнчиларни дарҳол жазолашни талаб қилувчи резолюция қабул қилинган.

Бугун «Юманите» газетаси меҳнаткашлар оммасини ва барча демократларни республикани ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларни бўшаштирмасликка чақиради. Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси Вальдек Роше бундай деб ёзади: «Меҳнаткашлар ва республикачилар дастлабки муҳим муваффақиятларга эришдилар, лекин кураш ҳали тамом бўлгани йўқ. Фитначилар ўз планларидан қайтганлари йўқ, республиканинг ғалабаси ҳам ҳали таъминлангани йўқ.

Шуни унутмаслик керакки, фитначилар республика органларини тугатиш ва де Голлнинг шахсий диктатурасини ўрнатиш мақсадида Францияга тазйиқ ўтказмоқ учун Жазоирда база вужудга келтирдилар.

Бу ерда, Парижнинг ўзида, де Голль ва унинг шериклари ҳукуматга ва парламентга ўз тазйиқларини кучайтирмоқдалар».

## Жазоирдаги исёнчилар жазосиз қоламиз деб ният қилмоқдалар

### *Жазоирдаги аҳволга доир*

ПАРИЖ, 22 май. (ТАСС). Ҳарбий фашист исёнининг ташкилотчилари кеча кечқурун Жазоирда «ҳокимиятни армия олсин!» деган шиор остида яна намойиш ўтказдилар. Пфлимлен ҳукумати генерал Саланга Жазоирда кенг равишда гражданлик ваколатлари ва ҳарбий ваколатлар бериб қўйган эди. Генерал Салан шу намойишда тўпланганлар олдида сўзга чиқиб, жумладан, бундай деди: «Биз ҳаммамиз бирлашганмиз, шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз Елисей майдонидан саф тортиб ўтамиз». «Орор» газетаси «бу намойиш қатнашчилари Парижга!» деб биринчи марта қичқириб шиор ташладилар» деб ёзади.

«Эко д Алже» газетасининг директори ва айни вақтда исёнчи «ижтимоий нажот комитетининг» аъзоларидан бири бўлган Ален де Серинья матбуот конференциясида сўзлаб, «Пфлимлен ҳукумати билан келишиш сира мумкин эмас» деди.

Салан эса, бундай деди: «Биз ҳокимиятни де Голль қўлига олиб бериш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Ҳукумат ўзининг истеъфо берганлиги тўғрисида республика президентига ариза топширишини таъминламоқ учун унга етарлик даражада тазйиқ ўтказдик».

Исёнчиларнинг бошлиқлари Жазоирдаги урушни бутун Шимолий Африкага ёйиш режаларини тузмоқдалар. Генерал Саланнинг ўзи Лондонда чиқадиган «Ивнинг стандард» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: «Зарурат бўлиб қолган тақдирда» француз қўшинларига Жазоир-Тунис чегарасидан ўтишни албатта буюраман». Шу билан бирликда Салан томонидан эълон қилинган ахборотда у француз қўшинларининг Тунис жанубида иғвогарлик билан қилаётган ҳаракатларини оқлашга уринмоқда.

Бугун демократик матбуот Жазоирда республикага қарши бошланган фитна қатнашчиларининг сурбетлик билан қилаётган даъволари ҳақида ғазабланиб ёзмоқда. «Юманите» газетаси яна бундай савол беради: «Нега ҳукумат исёнчиларга нисбатан чинакам ижтимоий нажот талаб қилаётган чораларни кўришда сусткашлик қилаётир?».

## *Телеграф хабар қилади*

*** Халқаро илмий ходимлар федерацияси эълон қилган баёнотида ядро қуроли синовларининг тўхтатилишини талаб қилади. Федерация Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини бир ўзи тўхтатганлигини табриклайди ҳамда ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларнинг ҳам шу хил қарор қабул қилишларини талаб этади.**

*** Лейпцигда «Химия ва пластмасса техникаси»га бағишланган илмий конференция очилди. Конференцияда Германия Демократик Республикасининг инженер, техник ва конструкторларидан 700 дан ортиқ киши, шунингдек Совет Иттифоқи, Чехословакия, Польша ва Руминиядан келган меҳмонлар қатнашмоқда. Конференция пластмассаларни янада кенг қўлланиш масалаларини ўрганади ва бу соҳада тажриба алмашишга ёрдам беради.**

*** Гданьск кемасозлик корхонасида (Польша) 10 минг тонна ҳажмли «Лениногорск» кемаси тантанали вазиятда сувга туширилди. Бу кема Совет Иттифоқи заказ қилган шу хил кемалар сериясидан биринчисидир**

*** Брюсселдаги жаҳон виставкасида кичик концерт зали биносида қисқа метражли фильмлар фестивали бошланди. Фестивалда жаҳондаги 29 мамлакат, шунингдек уч халқаро ташкилот қатнашмоқда. Совет кинематографияси фестивалга «Тошлар ҳақида қисса» номли илмий-оммабоп фильмни ва «Мирний чироғлари» ҳамда «Сурилган одам» номли иккита ҳужжатли фильмни тақдим этди.**

*** Деҳлида 1956 йил 18 апрелда имзоланган ҳинд-болгар савдо битимининг муддатини узайтириш тўғрисидаги мактублар айирбошланди. Битим муддати 1958 йил 31 декабргача узайтирилди.**

**22 май. (ТАСС).**

## Ҳиндистон олимларининг Ўзбекистонда бўлиши

СССР Фанлар академиясининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлган ҳинд олимлари делегацияси ватанига қайта туриб, Ўзбекистонда икки кун бўлди. Ҳиндистон илмий ва саноат тадқиқотлари кенгашининг директори профессор Манеклал Санкалчанд Тхакер бошчилигидаги делегация составида Ҳиндистоннинг кўзга кўринган ўн беш олими ва мутахассис бор.

Делегация аъзолари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумида бўлдилар.

Сўнгра ҳинд делегацияси В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг химия факультетида бўлиб, бу ерда лабораторияларни томоша қилди. Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғида, Физика-техника институтида, Ядро физикаси институтида ҳам бўлдилар. Делегация аъзолари Янгийўл районидаги Сталин номли колхозга бордилар, бу ерда улар коллектив хўжаликнинг экономикаси ва тузилиши билан қизиқдилар, артелнинг далаларини, механизациялаштирилган чорвачилик фермалари ва теплицаларини томоша қилдилар.

Ҳиндистонлик олимлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрида «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини томоша қилдилар.

Тхакер жаноблари делегация аъзоларига Тошкентда кўрсатилган ғоят самимий меҳмондўстлик учун ташаккур билдирди, ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда ўзбек халқига янги муваффақиятлар тилади.

Ҳинд олимлари делегацияси 23 майда самолетда Тошкентдан ватанига учиб кетди. (ЎзТАГ).

## Америка педагоглари Тошкентга келди

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ СССРда турган Америка педагоглари делегацияси 23 майда Тошкентга келди. Делегацияга Лоуренс Дертик жаноблари бошчилик қилмоқда.

Тошкент аэродромида АҚШдан келган меҳмонларни Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг масъул ходимлари, жамоат вакиллари кутиб олдилар.

Америка педагоглари делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун бўлади, республикада халқ маорифининг қўйилиши билан танишади. (ЎзТАГ).

## *Ливанда аҳвол*

БАЙРУТ, 22 май. (ТАСС). Мамлакатдаги аҳвол ҳали ҳам кескинлигича қолмоқда. Байрутда, Саидада, Тирда, Наботияда ва бошқа шаҳарларда забастовкалар давом этаётир. Кеча Байрутда 6 та бомба портлади. Шулардан бири Америка университети биносининг олдида портлади. Шаҳарда забастовка икки ҳафтадан бери давом этаётганлиги сабабли озиқ-овқат етишмай қолди. Озиқ-овқатларнинг нархи 2-3 баравар ошиб кетди.

«Алкифоҳ» газетаси Байрутдаги аҳволни тасвирлаб, қуйидагиларни ёзади: «Халқ забастовкани тўхтатиш ниятида эканлигини кўрсатувчи ҳеч қандай белги йўқ. Ҳали ҳам кўп районларда ғовлар қурилмоқда, окоплар қазилмоқда. Қатъий жанг қилиш учун тайёргарлик кўрилаётганга ўхшайди».

«Телеграф» газетасининг хабарида айтилишича, Ливаннинг шимолида қўзғолончилар Барид дарёси районида полиция участкасига атака қилиб, анча жанг қилгандан сўнг бу участкани эгаллаганлар.

Тароблис шаҳридан 25 километр масофадаги Мунье қишлоғида қўзғолончилар билан «хавфсизлик кучлари» деб аталган отрядлар ўртасида тўқнашувлар бўлди. Тўқнашувда ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор.

Аккар районида қўзғолончиларнинг 1500 кишилик отряди Халба ва Беркайил шаҳарларини ишғол қилди. «Ле суар» газетаси Тароблис районида ҳаракат қилаётган қўзғолончиларнинг отрядларида 40 мингга яқин киши бор, деб ёзмоқда.

Матбуот хабарларига қараганда, тоғлиқ Шуф райони мамлакатнинг бошқа районларидан ажратиб қўйилган.

«Ассиёсат» газетаси, Ливаннинг жанубида қўзғолончилар Хасбайя қишлоғини олганликларини хабар қилади. «Телеграф» газетаси Бекка районида қўзғолончилар яна Баалбек шаҳрига ҳужум қилиб, муниципалитет биносига ўт қўйдилар, деб ёзади.

### ЛИВАНДАГИ ВОҚЕАЛАР ТЎҒРИСИДА ЯПОН ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТОКИО, 22 май. (ТАСС). «Майници» газетаси Ливандаги воқеаларни шарҳлаб, ўзининг бошмақоласида бундай деб ёзади: Ливан ҳукумати «Эйзенхауэр доктринасини» қабул қилган вақтдан бери Ливанда президент Шамуннинг ғарбпарастлик сиёсатидан ғазабланиш кучайиб бормоқда эди, ливан халқининг Америкага қарши тус олган қўзғолони мана шу ғазабнинг ифодаси бўлди.

### Телевизор экранида

**24 МАЙДА**

**19.30 Рус тилида «Петя ва мелодия» номли суҳбатли эшиттириш.**

**20.00 Киножурнал.**

**20.10 «Ўзбек совет ёзувчилари» циклидан шоир Ғафур Ғулом ижодига бағишланган эшиттириш. (ўзбек тилида).**

**20.35 Бадиий фильм — «Июнь кунлари».**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.


### ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино) — 24/V да **Алишер Навоий,** 25/V да **Жазоир, менинг ватаним!**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 25/V кундуз соат 4 да **ўзбек музика лекторийси — Москвада бўладиган Ўзбек санъати ва адабиёти декадасига композиторлар ёзган асарлар.** Лектор — музикашунос **М. Аҳмедов.** Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар ва бошқалар қатнашади. 4 ва 5-абонемент ярайди. Қолган билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

«ИСКРА» (қишки) — кундуз соат 4-25 минутгача янги киноповесть **Янги аттракцион,** кеч 5 дан **Жиноятчилар иши.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6-25 минутгача янги киноповесть **Ажойиб якшанба,** кеч 8-10 минут ва 10-10 минутда **Жиноятчилар иши.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Янги аттракцион,** кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да **Ажойиб якшанба.**

КАФАНОВ номли, «ХИВА» — **Янги аттракцион.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8-40 минут ва 10 яримда **Жиноятчилар иши.**

Ҳамза кўчаси, 18-тупик, 111-уйда турувчи Абдулла **Аҳмедович Юсуповнинг** Чиғатой кўча, Ҳаракат проезд, 18-уйда турувчи Насиба Абдуллаевна Зоҳидовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида кўрилади.

Чинобод проезди, 37-уйда турувчи **Екатерина Алексеевна Топоровскаянинг** шу уйда турувчи Пётр Станиславович Топоровскийдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 4-участка халқ судида кўрилади.

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**
**24 ва 25 майда**

## Катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Фотима Борухова, Шаҳодат Раҳимова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев,** Жаҳон фестиваллари лауреатлари **Фозил Харратов, Ғафур Иноғомов,** Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа Имомхўжаев,** солистлардан **Берта Давидова, Карим Мўминов, Одил Мирзақулов, Эргаш Йўлдошев, Муҳамаджон Муҳамедов, Исҳоқ Катаев** ва «Баҳор» рақс ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.


**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ:** Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135, Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06008. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-478.